

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/28.02.2023.Tib.158.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РОССТАЛЬНАЯ МАРИАННА ЛЕОНТЬЕВНА

**АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИДА ЎТКИР УЧЛИ
КОНДИЛОМАЛАРНИНГ ЎСИШИ ТРИГГЕР ОМИЛЛАРИ ВА
УЛАРНИ ДАВОЛАШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

УЎК: 618.164-002-036.22-08

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Росстальная Марианна Леонтевна

Аёллар жинсий аъзоларида ўткир учли кондиломаларнинг ўсиши триггер омиллари ва уларни даволаш3

Росстальная Марианна Леонтьевна

Триггерные факторы роста остроконечных кондилом гениталий у женщин и их лечение33

Rosstalnaya Marianna Leontevna

Trigger growth factors of genital warts in women and their treatment63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....66

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/28.02.2023.Tib.158.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ
ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РОССТАЛЬНАЯ МАРИАННА ЛЕОНТЬЕВНА

**АЁЛЛАР ЖИНСИЙ АЪЗОЛАРИДА ЎТКИР УЧЛИ
КОНДИЛОМАЛАРНИНГ ЎСИШИ ТРИГГЕР ОМИЛЛАРИ ВА
УЛАРНИ ДАВОЛАШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib3032 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.dermatology.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Порсохонова Дэля Фозиловна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Баисов Адхамжон Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Азизов Баходир Садикович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/28.02.2023.Tib.158.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 3-уй. Тел./факс: (+998) 78-147-02-06; e-mail: niidiv@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 3-уй. Тел./факс: (+998) 78-147-02-06;

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

У.Ю.Сабилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.Б.Мўллаханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

С.С.Арифов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда папиллома вирусли инфекция (ПВИ) жинсий йўл билан юқадиган энг кенг тарқалган инфекциялардан бири ҳисобланади. Вирус яшаш жойини танламаслиги ва юқиш йўллариининг хилма-хиллиги унинг жуда кенг тарқалганлигини кўрсатади. Сўнгги ўн йилликда дунё миқёсда одам папилломавируси (ОПВ) билан касалланганлар сони 10 мартадан кўпроқ ортган ва тахминан 630 млн. кишини ташкил этган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) кўра маълумотларига кўра, «... ОПВ инфекцияси дунёдаги барча саратон касалликларнинг тахминан 5% ни келтириб чиқаради, бунда, ҳисоб-китобларга кўра, ОПВ билан боғлиқ саратон ҳар йили 625.600 аёл ва 69.400 эркакларда аниқланади».¹ Ўзбекистонда 2022 йил охирига келиб, ўткир учли кондиломаларнинг (ЎУК) интенсив кўрсаткичи 100,000 аҳолига 9,1 ни ташкил қилган (РИДВ ва КИАТМ статистик бўлими маълумотлари, 2023). Маълумки, ЎУКнинг ўсиши ва қайталанишига кўпгина ички ва ташқи омиллар таъсир қилади. Энг кўп ўрганилган триггер омиллардан, жумладан иммунитетнинг пасайиши, чекиш, промискуитет. ЎУКнинг асоратли кечишида қатор тиббий ва ижтимоий омилларнинг таъсири алоҳида ўрин тутди ва улар чуқур ўрганишни талаб қилади ва унинг ривожланишида муҳим роль уйнайди.

Жаҳонда ҳозирги даврда жараённинг тез-тез қайталаниши, самарали даволашдаги қийинчиликлари туфайли жинсий аъзолар вирусли касалликлари муаммоси ва уларни самарали даволаш суллариға қизиқиш сезиларли даражада ортди. Урогенитал инфекциялар, ҳамда папилломавирусларни ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. ОПВ билан бир вақтда ЎУК билан бирга дисплазияли беморлар кам ўрганилган. ОПВнинг турли туман клиник белгилари, рецидивлаш ёки тўсаттан қайта ривожланиш хусусияти турли триггер омиллар билан боғлиқ бўлади, улар эса касаллик кечиши ва истикболини белгилайди ва чуқур текширувни талаб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида урогенитал касалликларни тарқалишининг олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш, даволаш ва

¹ World Health Organization Human papillomavirus and cancer 23 August 2023 <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/human-papilloma-virus-and-cancer>

² Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

профилактиканинг самарали усулларини ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 25-апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2021-йил 6-майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги, 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонларида, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 июлдаги 563-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида дерматовенерология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунеда илмий тадқиқотчилар сийдик йўллари, уруғ суюқлиги ва простата бези суюқликлари ОПВ манбаидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини аниқлаганлар (Sanclemente G., Gill D., 2012). Хитойлик муаллифлар 156 беморнинг клиник маълумотларига асосланган ҳолда беморлар ёши, жинси, оилавий ҳолати, маълумот даражаси, чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиши, жинсий шериклар сони, жинсий шерикларда ОПВ ҳолати, сийдик таносил тизими ва орқа чиқарув тешиги касалликлари, презервативдан фойдаланиш ва бошқа ОПВ чақирган касалликларни ҳисобга олган ҳолда ЎУКнинг рецидивланиш моделини истиқболи белгиланди (Zhan M., Tong Z., Chen S., et al., 2022). ЎУК қайталаниши эпизодлари бўлган беморларда CIN2+ шаклланиши хавфи ортиши аниқланди (Blomberg M., 2019). 5-аминолевулин кислотаси билан фотодинамик терапиянинг (ФДТ) маҳаллий иммунитетга, Т-лимфоцитларнинг фаоллашиши ҳисобига ижобий таъсири аниқланди (Du J., Cheng Q., Zhang Z. et al, 2017). Шунингдек, ФДТ билан интерферон терапиясини биргаликда қўлланилиши яширин ОПВ инфекциясини бартараф этишга ёрдам бериши исботланди (Yu X., Zheng H., 2018). Хитойлик тадқиқотчилар ЎУК билан оғриган беморларда қин микрофлорани ўрганилди ва Actinobacteria, Proteobacteria и Fusobacteria, Gardnerella, Bifidobacterium, Sneathia, Hydrogenophilus, Burkholderia и Atopobium турлари анча юқори эканлигини аниқланди (Zhou Y. Et al., 2019).

МДХ давлатлари олимлари клиник изланишлари шуни кўрсатдики, ОПВ клиник манифестацияси олдини олишда иммун жавоб муҳим роль ўйнайди

(Марасанов С.Б. 2016). Иммунологик жавобда асосий рольни ОПВ киришида цитокинлар муҳим урин эгаллайди (Роговская С.И., 2020, Невежжина Т.А., 2018). ОПВ билан оғриган беморларда келажақда бачадон бўйни ва қинда диспластик ўзгаришлар ривожланиши еҳтимолли юқори (Роик Е. Е., 2015). Бугунги кунда папилломавирус инфекциясининг манифест шакллари даволашда турли лазерлардан фойдаланишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар мавжуд (Прилепская В.Н., 2007). Кунгуров Н.В. ва бошқа муаллифлар (2010)нинг илмий ишларида ОПВ намоён бўлган беморларда тизимли ёки маҳаллий иммуномодуллашчи ва вирусларга қарши терапия билан биргаликда электрокоагуляция ва аргонплазматик абляцияни қўллашга бағишланган. Аногенитал сўғалларни даволашда IL-2 нинг тўлиқ таркибий ва функционал аналогли бўлган Ронколейкиннинг самарадорлиги ҳам кўрсатилган (Гизингер О.А., 2017). Россия Федерациясида имунотроп восита сифатида қўлланилувчи препаратлар: панавир ва генферон кабилар ўта қимматдир (Кунгуров Н.В., 2010). Иммуномакс препаратининг илмий асосланган далиллар базаси билан биргаликда клиник қўллаш тажрибаси мавжуд (Гизингер О.А., 2021). Инозин пранобекс, Аллокин-алфа каби препаратлар ҳам ПВИнинг кўплаб клиник шаклларига қарши самарадорлигини исботлади (Хрянин А.А., 2019; Радзинский В.Е., 2022). Уй шароитида кондиломалардан самарали халос бўлишга имкон берадиган 5% крем шаклида маҳаллий Имиквимод иммуномодулятори билан ташқи терапияга алоҳида эътиборга лойиқдир (Рахматуллина М.Р., 2015). Папилломавирус инфекциясининг кечилиши фармакологик коррекция қилиш мақсадида фаоллаштирилган глицирризин кислота (ФГК) – Эпиген Интим спрей дори воситасидан, (маҳаллий ва ташқи фойдаланиш учун) фойдаланиш синовидан ўтган (Новиков Е.И. ва бошқ., 2008).

Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам ОПВ клиник шакллари клиникаси ва даволаш билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилган. Гигант Бушке-Левенштейн кондиломасининг клиник ҳолатлари ва уларни даволаш тасвирланган (Сабилов У. Ю. Юлдошев К. А., 2023). Бачадон бўйни эрозив ва ярали жараёнларининг келиб чиқишида ёндош Жинсий йўл орқали юқувчи инфекциянинг (ЖЙОЮИ) роли аниқланган (Мирсаидова М. А., 2021). Профессор Ваисов А.Ш. томонидан жинсий аъзолар кондиломалари ва сўғалларни деструкция учун қисқа импулсли Ne-Yag юқори энергияли лазеридан тадбиқ этилган (Ваисов А.Ш., Ваисов И.А., 2009). Набиев Т.А. томонидан (Набиев Т. А., Порсохонова Д. Ф., 2018) ОПВнинг 16/18 шакллари аниқланган ЎУК билан оғриган беморларда p53 экспрессиясининг ошириш тенденциясини, ЎУК морфологик хусусиятлари патологик жараённинг даврига қараб ўзгариши, ҳужайра ва гуморал иммун тизимининг номутаносиблиги, Т-лимфоцитлар, НК-ҳужайраларининг субпопуляциялари ва уларнинг касалликнинг даврига боғлиқлиги аниқланган. Терининг яхши сифатли ўсмаларини даволаш учун диатермокоагуляцияси яхши самара берган. Ваисов И.А. ва Юсупова А.Ш. томонидан фукаротларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ночор тоифалари кўпинча ОПВ инфекциясига мойил

эканлиги, уларнинг аксарияти паст моддий даражага ва ноқулай яшаш шароитларига эга эканлиги, уларда цитокин IL-10 (rs1800896) генларининг полиморф вариантлари ва Tr-53 ўсимта супрессори (rs1042522) аниқланди (Юсупова Ш.А., 2023), шунингдек, 5% имиквимод креми билан биргаликда CO₂ лазеридан фойдаланганда даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш мумкинлиги аниқланди (Юсупова Ш.А., Ваисов А.Ш., Ваисов И.А.).

ЎУК ларни диагностика ва даволашда таклиф қилинган кўп микдордаги усулларга қарамай, 100 %ли самарага ҳозирча эришилмаган. Ўз вақтида ЎУКларни ташхислашда албатта касалликнинг триггер омилларини ҳисобга олиш зарур. ЎУКларни даволашда деструкциядан мақсад бўлиб яллиғланишни йўқотиш, репродуктив фаолиятни сақлаб қолиш, жинсий ҳаётни тиклаш ва деструкциядан сўнг травматизацияни камайтириш кабилар хизмат қилади. Бу мақсадга эришиш учун, ҳамда кейинги қайталашларни олдини олиш мақсадида нафақат ОПВ ўчоғига, балки иммун тизимига ва ЎУК манифестацияси триггери бўлиб хизмат қилувчи омилларга комплекс таъсир этиш лозим, қуйидаги вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёллар жинсий аъзоларида ўткир учли кондиломаларнинг пайдо бўлиши, ўсиши ва асоратланган кечишида етакчи омилларни ўрганиш ва уларни даволашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир учли кондиломаларнинг асоратланган ва асоратланмаган кечиши бўлган аёлларда сўровнома ўтказиш жараёнида ва клинико-анамнестик текширишда олинган натижаларни баҳолаш;

ўткир учли кондиломалар билан оғриган беморларда бачадон бўйни зарарланиш ҳолатини баҳолаш;

ўткир учли кондиломалар билан касалланган аёлларда урогенитал трактнинг микроблар ҳолатини ва герпесвирусли инфекциялари фонини замонавий лаборатор ташхисот усуллари қўлланган ҳолда ўрганиш;

иммун жавобнинг етарли асослигини тавсифлаш учун ЎУК билан оғриган беморларнинг қон зардобидagi асосий муҳим цитокинларни баҳолаш;

аёлларда ЎУКнинг асосий триггерларини намоён бўлиши ва қайталанишининг аниқланган қўзғатувчиларини ҳисобга олган ҳолда фотодинамик терапияни билан комплекс даволаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жинсий аъзолари ўткир учли кондиломалар билан 120 бемор олинган.

Тадқиқот предмети сифатида биз томондан ишлаб чиқилган сўровнома, ЎУКлар билан касалланган беморлар тулдиришган, қон зардобиди, урогенитал тракт ажралмалари, бачадон бўйни таҳлиллар қилинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида эпидемиологик (анкета сўровномаси), умумий клиник, микроскопик, микробиологик, иммунологик, инструментал (кольпоскопия), молекуляр-генетик (ПЗР), иммуно-фермент (ИФА) ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аёллар генитал аъзоларининг ўткир учли кондиломалари ўсиши ва қайталанишига таъсир этувчи триггер ва омиллар аниқланди. Қайталаниб кетишга олиб келувчи сабаблар: кеч мурожаат қилиш, мурожаат қилганда фақатгина ЎУК деструкцияси билан чегараланиш, ЖЙОЮЙга текширув ўтказилмаганлик, ОПВ нинг экстрагенитал ўчоқларда жойлашиши исботланган;

ўткир учли кондиломали беморларда бачадон бўйини зарарланиши қуйидаги кўринишда исботланди: яллиғланиш (95,7%), эрозия (23,4%), папилломатоз (36,2%), ҳамда 2- (48,9%) ва 3- (40,4%) даражали PAP-теста, яъни бачадон бўйинини дисплазиясига олиб келиб ОПВ га захира жой бўлиши ва ўз навбатида ЎУКни оғир кечишида қайталанишига олиб келиши исботланган;

Ureaplasma Urealyticum (40,2%), HSV-I (35,6%), HSV-II (28,7%), HPV 16/18 (25,3%), ҳамда ёндош микрофлорадан Candida albicans (43,7%), Gardnerella vaginalis (41,4%), Staphylococcus aureus (20,7%) ЎУКлар асоратли кечиши ва қайталанишлар ривожланишига олиб келиши исботланган;

TNF- α (4,2 марта) ва IL 18 (5,1 марта) лар миқдорининг бир неча бор ошиши ЎУК асоратли ва қайталанувчи беморлар гуруҳида вирус босимининг ошиши ва бу ўз навбатида қўшимча тизимли вирусга қарши даво олиб боришни исботланган;

топик ФДТ билан биргаликда CO₂ лазердеструкцияни ўз ичига олган юқори самарали комплекс даво усули ишлаб чиқилди ва бу усул тўқималар регенерациясини тезлаштириб яллиғланиш реакциясини камайтиради, вирусга ва бактерияга қарши самарага эришилади ва қайталанишлар сони пасаяди исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жинсий аъзолар ўткир учли кондиломаси билан оғриган беморларни даволашни бошлашдан аввал энг кўп учрайдиган эҳтимолий триггер омилларни аниқлаш, тузатиш ва бартараф қилиш учун биз ишлаб чиққан сўровнома саволларига жавоб бериш тавсия этилиши асосланган; жинсий аъзолар ЎУКсида энг кўп ҳамроҳ уреаплазма, герпесвирус, папилломавирус, гарднереллез, кандидоз инфекцияларини билан асоратланган ва рецидивланувчи кечиши мавжуд бўлишини ҳисобга олган ҳолда, даволашни бошлашдан олдин ушбу патоген кўзгатувчиларни қўшимча равишда таҳлил қилиш кераклиги асосланган;

аёлларда микст-инфекция фонида ЎУКнинг асоратли ва тез-тез қайталанувчи кечишини даволаш учун антибактериал, вирусга қарши воситаларни таркибига ва топик ФДТ олган комплекс даволаш тавсия этилиши асосланган; Ишлаб чиқилган даволаш комплекси аёлларда ЎУКнинг

асоратланган ва рецидивланувчи шакллари даволашда 92% самарадорликка эришиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мувофиқлиги, умумий клиник, иммунологик, микробиологик инструментал тадқиқотлар асосида текширилган беморларнинг етарли сони томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг услубий аниқлиги ва статистик тадқиқот усуллари, тадқиқот натижаларини халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, олинган натижалар ва хулосаларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аёлларда жинсий аъзоларнинг ўткир учли кондиломалари шаклланиши ҳақидаги мавжуд назарий билимларнинг кенгайиши, пролифератив жинсий аъзолар касалликлар билан оғриган беморларни даволашда табақалаштирилган ёндашувнинг назарий асосини яратиш билан намоён бўлган. Аёлларда ЎУК ўсиши ва қайталанишининг асосий мумкин бўлган триггерлари қуйидагилар ёндош ЖЙОЮЙлари урогенитал тракти (уреаплазмоз, герпесвирус инфекциялари ва ОПВ 16/18); иммунологик номутаносиблик, ҳомиладорлик, анемия, биргаликда жинсий шерикни бир вақтда текшириш ва даволашнинг етарли эмаслиги, даволанишга ўз вақтида риоя қилмаслик, аввал ўтказилган даволанишнинг паст самарадорлиги; антибиотиклар/гормонлар/цитостатик-лар қабул қилиш, экстрагенитал ОПВ ўчоқлар мавжудлиги, ОПВга қарши эмлашнинг етишмаслиги, ОПВ тарқалиши ва ундан ҳимояланиш масаларидан огоҳ бўлмаслик, ихтисослаштирилмаган тиббий ёрдамга мурожаат қилиш бўлган. Олинган натижалар аёлларда ўткир учли кондиломаларни клиник жихатдан оғир кечишини талқин қилишга баъзи бир цитокинлар (IL-18, TNF- α , IFN- γ) роли изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ЎУК шаклланишига мойиллик қилувчи омилларни аниқлаш учун беморлар билан суҳбатлашиш тизимини такомиллаштиришдан иборат, ташхисот пакетини ва даволаш усулини оптималлаштириш, бу эса юқори самарадорликка эришишга имкон берган, касалликнинг қайталанишини камайтириш ва реабилитация даври ва мувофиқлигини сезиларли даражада яхшиланганлиги изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 29.03.2024 йилдаги 02-10/11-сонли хулосасига кўра (Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг 05.10.2023 йилдаги 02-09/5-сонли хати илмий ишланмаларни жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилди) бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари учун инновациялар):

биринчи илмий янгилик: Биринчи маротаба, ЎУК ўсишига таъсир қилувчи маълум сабаблар ва триггердан ташқари, яна кўзғатувчи омиллар рўйхати

тўлдирилди, улар орасида: ОПВ бир нечта турларини (шу жумладан онкоген турларини) аниқлаш; ОПВ қўшимча генитал (бачадон бўйни) ва экстрагенитал ўчоқларини аниқлаш; жинсий алоқа қилиш (даволаш пайтида); маиший омиллар (умумий гигиена воситаларидан фойдаланиш, ички кийимларни санитария-гигиена жихатдан етарли даражада обработка қилмаслик); кеч ва бу касалликга алоқадор бўлмаган шифокорларга мурожаат қилиш; тос аъзоларининг сурункали яллиғланиш жараёнлари; ёндош УГТ вирусли ва бактериал инфекциялари; камқонлик; ҳомиладорлик; антибиотиклар, гормонал дорилар ва цитостатикларни қабул қилиш. Ушбу триггерларни ҳисобга олиш диагностика босқичини, асоссиз текширувлар ва аралашувларни, шунингдек касалликнинг қайталаниш сонини камайтиради. Тўғри ташхис қўйиш учун сарфланган даврнинг 5-6 кундан 2-3 кунгача қисқаришига эришилади. Илмий тадқиқотлар натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиали амалиётига 20.02.2023 йил 43-сонли буйруғи билан ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали амалиётига 24.02.2023 йил 29-сонли буйруғи 18 билан киритилган. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** шундан иборатки: асосий тиббий – ижтимоий триггерларни аниқлаш учун таклиф қилган аноним сўровнома ЎУК эрта босқичда ўсиши ва қайталанишини аниқлаш ҳамда бартараф этиш билан асоратлар, асоссиз аралашувлар ва қайталанишларнинг олдини олиш имконини берган. **Илмий инновациянинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагича: касалликнинг қўшимча аниқланган триггерларини ҳисобга олган ҳолда ташхисот босқичи ўртача 2 бараварга камайган ва қайталанишлар фойзи 20-25, бу ётоқ - кунлар ҳисобида 2 ётоқ - кунини ташкил қилган. 1ётоқ - кунининг нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, 87 бемор учун самарадорлик 28 710 000 сўмни ташкил қилган. ЎУКни тез-тез қайталанувчи кечишини (ойга 2-3 марта кузатилади) ҳисобга олган ҳолда анъанавий текшириш ва даволашнинг усуллари кўлланилганда ўртача, 1,7 миллион сўмдан 6,5 миллион сўмгача қўшимча харажатларни ташкил қилган. Тавсия этилган даволаш усули натижаларига кўра, ЎУКни қайталанишининг қисқариши кузатилган бўлиб, бу қўшимча даволаш курсларини олишни камайтирган ва 87 бемор учун 147 900 000 сўмни тежаш имконини бергани. **Хулоса:** аёллар жинсий аъзолар ЎУКсини ташхислаш яхшиланган, бу беморлар учун 1 бемордан 1 700 000 сўм миқдорида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: 54,0 фоиз аёлларда аниқланган ЎУК асоратли ва қайталанувчи кечишига касалликнинг 10 кундан ошиқ давом этиши, аввалги терапия фақат ЎУК деструкцияси билан чекланганлиги, урогенитал трактнинг ёндош инфекциялари (уреаплазмоз ,ОУВ 1, ОУВ 2, кандидоз), бачадон бўйнида қўшимча ОПВ ўчоқлари мавжудлиги (папилломатоз (36,2%), яллиғланиш (95,7%) ва эрозив (23,4%) табиатли), PAP-тестининг 2 (48,9%) ва

3 (40,4%) даражаси билан бирга келиши, экстрагенитал ОПВ ўчоқлари мавжудлиги сабаб булган. Илмий тадқиқотлар натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиали амалиётига 20.02.2023 йил 43-сонли буйруғи билан ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали амалиётига 24.02.2023 йил 29-сонли буйруғи 1§ билан киритилган. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** шундан иборатки: ўткир учли кондиломаларининг асоратли кечиши бўлган аёллар контингентига урогенитал трактнинг ҳамроҳ инфекциялари (уреаплазмоз, гарднереллёз, кандидоз, герпесвирус инфекциялари) аниқланган, шунингдек, 36,2% ҳолатда ОПВ қўшимча ўчоқлари шаклида бачадон бўйни зарарланиши кузатилган бўлиб, уларни ўз вақтида скрининг текширишга жалб қилиши ва дисплазия масаласи бўйича мониторинг ўтказилиши керак. **Илмий инновациянинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагича: ЎУК асоратли кечиши ва бачадон бўйни зарарланишини ўз вақтида аниқлаш колпоскопик суратнинг яхшиланишига ва бундан келиб чиққан ҳолатда дисплазия ривожланишини пасайтирди, ва даволаш шифохонада қолиш муддати ва ЎУКни қайталанишини ўртача 30% дан 5% гача қисқартириш имконини берган, бу ётоқ кунлар ҳисобида 3 ётоқ - кунини ташкил қилган. 1ётоқ - кунининг нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, 87 бемор учун самарадорлик 43 065 000 сўмни ташкил қилган. ЎУКни тез-тез қайталанувчи кечишини (ойга 2-3 марта кузатилади) ҳисобга олган ҳолда анъанавий текшириш ва даволашнинг усуллари қўлланилганда ўртача, 1,7 миллион сўмдан 6,5 миллион сўмгача қўшимча харажатларни ташкил қилган. Таклиф этилган даволаш усули натижаларига кўра, ЎУКни қайталанишининг қисқариши кузатилган бўлиб, бу қўшимча даволаш курсларини олишни камайтирган ва 87 бемор учун 147 900 000 сўмни тежаш имконини берган. **Хулоса** : Жинсий аъзолар ЎУКси билан оғриган Аёлларда асоратли ва тез-тез қайталанувчи кечиши шакллари ташхисоти яхшиланаши, беморларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 1 беморга 1 700 000 сўм миқдорида тежаш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: ЎУК кечишини оғирлаштирадиган жинсий йўл билан юқадиган патогенлар қўзғатувчилари спектри, шу жумладан, Ureaplasma Urealyticum (40,2%), HSV-I (35,6%), HSV-II (28,7%), HPV 16/18 (25,3%), ҳамда ҳамроҳ микрофлора таркибини Candida albicans (43,7%), Gardnerella vaginalis (41,4%), Staphylococcus aureus (20,7%) ташкил этиши аниқланган. Илк бора ЎУК билан оғриган беморларда герпесвирус инфекциясининг фони ПЗР усули томонидан тасдиқланган ИФА усули ёрдамида аниқланган, бу аёлларнинг 65,5 % да мусбат бўлган ҳамда иммунитетнинг пасайиши ва натижада ЎУКнинг тез-тез қайталанувчи кечиши омили бўлиши мумкин. Илмий тадқиқотлар натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиали амалиётига 20.02.2023

йил 43-сонли буйруғи билан ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали амалиётига 24.02.2023 йил 29-сонли буйруғи 18 билан киритилган. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагича: УГТ микрофлорасини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш яллиғланиш жараёнининг оғирлигини камайтиришга имкон берган ва ЎУКни деструкциядан кейинги реабилитация даврини сезиларли даражада енгиллаштирган. **Илмий инновациянинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагича: ЎУКни клиник кечишини оғирлаштирадиган инфекцияларнинг асосий спектри кўрсатилган, ҳамроҳ патоген микрофлора борлигига гумон қилинганда микробиологик ва ПЗР тадқиқотларни белгилаш имконини берган. 1ётоқ - кунининг нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, 87 бемор учун самарадорлик 43 065 000 сўмни ташкил қилган. ЎУКни тез-тез қайталанувчи кечишини (ойга 2-3 марта кузатилади) ҳисобга олган ҳолда анъанавий текшириш ва даволашнинг усуллари кўлланилганда ўртача, 1,7 миллион сўмдан 6,5 миллион сўмгача қўшимча харажатларни ташкил қилган. Тавсия этилган даволаш усули натижаларига кўра, ЎУКни қайталанишининг қисқариши кузатилган бўлиб, бу қўшимча даволаш курсларини олишни камайтирган ва 87 бемор учун 147 900 000 сўмни тежаш имконини берган. **Хулоса:** ЎУК билан касалланган аёлларни текшириш вақтида ташхислаш пакетини аниқлаштириш ва ўз вақтида ёндош инфекцияларни даволаш бу эса беморларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 1 беморга 1 700 000 сўм миқдорида тежаш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик. ЎУКнинг асоратли ва тез-тез қайталанувчи кечиши бўлган беморларнинг кичик гуруҳида TNF- α миқдорининг 4,2 маротаба ортиши ҳамда УГТ томонидан кучли яллиғланиш реакцияси фонида IL-18 миқдорининг 5,1 баравар кўпайиши, вирус юкламаси даражасини тавсифлаши ва тизимли антивирус терапия учун асос бўлган. Илмий тадқиқотлар натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиали амалиётига 20.02.2023 йил 43-сонли буйруғи билан ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали амалиётига 24.02.2023 йил 29-сонли буйруғи 18 билан киритилган. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: TNF- α ва IL-18 яллиғланиш цитокинлар титрининг 4-5 баравар ортиши юқори вирус юкламаси фонида ЎУКнинг асоратли кечиши белгиларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин ва тизимли антивирус терапия зарурлигини кўрсатган. **Илмий инновациянинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагича: ЎУКнинг асоратли кечишида кузатиладиган муҳим яллиғланиш цитокинлар спектри топилган ва аниқлаштирилган, бу қайталанишларни камаштириш имконини берган ва даволаш самарадорлигини мониторингни баҳолашда фойдаланилган. 1ётоқ - кунининг нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, 87 бемор учун самарадорлик 43 065 000 сўмни ташкил қилган. ЎУКни тез-тез

қайталанувчи кечишини (ойга 2-3 марта кузатилади) ҳисобга олган ҳолда анъанавий текшириш ва даволашнинг усуллари қўлланилганда ўртача, 1,7 миллион сўмдан 6,5 миллион сўмгача қўшимча ҳаражатларни ташкил қилган. Тавсия этилган даволаш усули натижаларига кўра, ЎУКни қайталанишининг қисқариши кузатилган бўлиб, бу қўшимча даволаш курсларини олишни камайтирган ва 87 бемор учун 147 900 000 сўмни тежаш имконини берган. **Хулоса:** ЎУК билан касалланган аёлларни текширишда иммунологик тадқиқотлар ҳажмининг аниқлаштириш асосида беморларнинг бюджет ва бюджетдан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 1 беморга 1 700 000 сўм миқдорида тежаш имконини берган.

бешинчи илмий янгилик. ЎУКни CO₂ лазеродеструкция қилинганидан кейинги реабилитация даврида антивирус, антибактериал ва яллиғланишга қарши мақсадда ҳамда оғрикни камайтириш, тўқималарнинг регенерациясини тезлаштириш ва олдини олиш учун ФДТни қўлланиши асосланган, бу ташқи вирусга қарши терапияга яхши алтернатива бўлиши ва

беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши мумкин. Илмий тадқиқотлар натижалари Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий филиали амалиётига 20.02.2023 йил 43-сонли буйруғи билан ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилоят ҳудудий филиали амалиётига 24.02.2023 йил 29-сонли буйруғи 18 билан киритилган. **Илмий инновациянинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ЎУКнинг CO₂ лазеродеструкция қилинганидан кейинги реабилитация даврида комплекс даволашга ФДТни киритилиши реабилитация даврини қисқариши ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланиши, ҳамда қайталанишлар сонини сезиларли даражада камайтириш имконини берган. **Илмий инновациянинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагича: ЎУКнинг асоратланмаган ва асоратсиз шакллари даволашнинг комплекс усули таклиф қилинган ва амалга оширилган, бу реабилитация даврини 3-5 кунга ва қайталанишлар сонини 30 дан 5% гача камайтиришга имкон берган. 1 ётоқ - кунининг нархи 165 000 сўмдан келиб чиққан ҳолда, 87 бемор учун самарадорлик 43 065 000 сўмни ташкил қилган. ЎУКни тез-тез қайталанувчи кечишини (ойга 2-3 марта кузатилади) ҳисобга олган ҳолда анъанавий текшириш ва даволашнинг усуллари қўлланилганда ўртача, 1,7 миллион сўмдан 6,5 миллион сўмгача қўшимча ҳаражатларни ташкил қилган. Таклиф этилган даволаш усули натижаларига кўра, ЎУКни қайталанишининг қисқариши кузатилган бўлиб, бу қўшимча даволаш курсларини олишни камайтирган ва 87 бемор учун 147 900 000 сўмни тежаш имконини берган. **Хулоса:** ЎУКнинг асоратланган ва асоратсиз шакллари учун янги даволаш усулининг жорий этилиши беморларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 1 беморга 1 700 000 сўм миқдорида тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари Ўзбекистан дерматовенерологларининг VII-VIII курултойларда, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан 5 та маҳаллий мақолалари докторлик диссертацияларининг (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

"Аёллар жинсий аъзоларнинг ўткир учли кондиломалари этиологияси, патогенези ва даволашга замонавий қарашлар" деб номланган диссертациянинг биринчи боби тўртта кичик бобдан иборат бўлиб, **"Папилломавирус инфекциясининг клиник шакллари ва эпидемиологик ҳолати"** биринчи кичик бобида намоен бўлиб ПВИнинг этиологияси, тарқалиши, частотаси ва клиник шакллари хилма-хиллиги бўйича сўнгги 10-15 йиллардаги маҳаллий ва хорижий нашрлардаги адабиёт маълумотларини, тавсифланган. Адабиётлар шарҳининг **"Аёллар жинсий аъзоларнинг ўткир учли кондиломаларининг ўсиши ва тарқалишига ҳисса қўшадиган омиллар"** иккинчи кичик бобида жинсий аъзоларнинг ўткир учли кондиломалари пайдо бўлишига ёрдам берадиган илгари ўрганилган ҳар хил омилларнинг тавсифи берилган.

Учинчи кичик боб **"Аёллар жинсий аъзолар ўткир учли кондиломалари кечиши курсининг клиник - иммунологик хусусиятлари"** ЎУК билан оғриган беморларда иммунологик ўзгаришларнинг табиати ҳақидаги адабиёт маълумотлари келтирилган.

"Жинсий аъзолар ўткир учли кондиломаларнинг замонавий даволаш усуллари" тўртинчи кичик бобида ЎУК чалинган беморлар учун мавжуд терапия усуллари ёритилган, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган.

"Тери ва шиллик пардаларнинг пролифератив касалликларини даволашда фотодинамик терапиядан фойдаланиш имкониятлари" бешинчи кичик бобида дерматологияда фотодинамик терапиядан фойдаланиш

имкониятлари, фотосенсибилизаторларнинг турлари, хусусиятлари ва муолажа кулланилиши тасвифланган.

Диссертациясининг иккинчи **"Тадқиқот материал ва усуллари"** бобида клиник материаллар ҳажми ва қўлланилган тадқиқот усуллари: эмпирик, умум клиник, микробиологик, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Анъанавий ва таклиф қилинган усулларнинг тавсифи берилган.

ЎУК билан оғриган 120 та бемор аёлда (хомиладорлар билан бирга) пациентлар ҳаётининг турли ҳаёт тарзи ва тиббий текширув хусусиятларини тавсифловчи 36 параметрни ўз ичига олган анкета сўровномаси ўтказилди.

2015 – 2022 йиллар давомида РИДВ ва КИАТМ мурожаат қилган, 18 ёшдан 53 ёшгача оралиқдаги, генитал жинсий аъзолар ўткир учли кондиломаси ташхиси қўйилган 87 хомиладор бўлмаган беморларда клиник ва лаборатор текшируви ўтказилди.

Мунтазам тадқиқот усулларида (умум ва биокимёвий қон таҳлили, умумий сийдик таҳлили, серологик таҳлил захмга, ОИВ ва гепатитлар учун ИФА, қин суртмаси микроскопияси) ташқари барча беморлар босқичма-босқич текширилган, булар сўровнома тўлдириш, энг кенг тарқалган ЖЙОЮИ учун ИФА ва ПЗР, колпоскопия, цитологик таҳлил, ЖЙОЮИнинг ПЗР ташхисоти, иммунологик тадқиқотлар кирган.

Тадқиқотда қуйидаги текширув усуллари қўлланилган:

-микроскопик ва микробиологик текширув - урогенитал инфекцияларни аниқлаш учун (даволашдан олдин ва кейин). Тадқиқот учун материал урогенитал трактнинг учта нуқтасидан «U, V, C» – уретрал канал, қиннинг орқа девори ва бачадон бўйни каналидан олинган. Жинсий аъзолардан микрофлорани аниқлаш учун идентификация ўтказилган; микроорганизмлар тури ва уларнинг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш; гонококк, трихомонад, *Ur. urealyticum* аниқлаш учун умум қабул қилинган техникага мувофиқ УГТ ажралмаси суртмасининг микроскопияси ва озукли муҳитга экиш, *Candida* авлодига мансуб замбуруғларини аниқлаш, ҳамроҳ микроб флорани ва унинг антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш.

-урогенитал тракт шиллиқ қаватидан соскоб орқали полимераза занжири реакцияси (ПЗР) билан текшириш.

РИДВ ва КИАТМ ПЗР лабораториясида молекуляр-генетик (ПЗР) ёрдамида гибридизацион-флуоресцент детекцияни реал вақтда (Real time) аниқлаш усули ёрдамида хужайра ичидаги ЖЙОЮИ ва вирусли патогенларнинг лаборатор ташхисоти (*Chlamydia trachomatis*, *Ureaplasma urealyticum*, *Cytomegalovirus* (ЦМВ), *Herpes virus II* тури (ОУВ-II) юқори онкоген вирусли инфекцияларни (ОПВ 16/18, ОПВ 31/33) ва паст онкоген ОПВ 6, 11 фони баҳолаш амалга оширилган. Росистемназоратнинг (Россия) "ЭМИТИ" ФДФМ томонидан ишлаб чиқарилган «Фемофлор» тест-тизимлари ишлатилган. Амплификация ва детекция «Rotor-Gene» 6000 («Corbeut Research», Австралия) қурилмасида амалга оширилган. Материаллар Росистемназоратнинг (Россия) "ЭМИТИ" ФДФМ томонидан ишлаб

чиқарилган "ПЗР ташхисоти учун клиник материалларни йиғиш, ташиш, сақлаш" кўрсатмаларига мувофиқ тўпланган.

-иммунологик текширувлар: Иммунофермент анализ (ИФА). Яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокин молекулаларини миқдорий кўрсаткичини қон зардобидида аниқлаш: IFN- γ , IL-2, IL-4, IL-6, IL-10, IL-18, TNF- α , Новосибирскда ишлаб чиқарилган «Вектор-Бест» тест-тизимлари ёрдамида амалга оширилган. Ушбу тест- ИЛга моно - ва поликлонал антитаначалардан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали ИФАнинг сендвич усулига асосланган;

-кенгайтирилган колпоскопия. Колпоскопик текширув РИД ва КИАТМ клиник шифохонасида SW-3303 колпоскопида 1x40 ва 1x60 катталаштириш билан даволашдан олдин ва кейин ўтказилган.;

-экзо- ва эндоцервиксдан Папаниколау (Пап -суртма) бўйича цитологик текширув. Суртмалар шпател ва эндобранш- чўткаси ёрдамида экзоцервикс юзасидаги ўтиш зонаси ва бачадон бўйни каналидан, зарурат бўлганда қин ва вулвадан олинган;

Папаниколау таснифига кўра суртмаларнинг патологик вариантлари:

II яллиғланиш - қин ва/ёки бачадон бўйни яллиғланиш жараёни натижасида ҳужайра морфологиясининг ўзгариши;

III тури - ядро ва цитоплазмасида аномалияси бўлган кам сонли ҳужайралар (хавфли ўсимта гумон қилинган);

IV тури - хавфли ўсимта яққол белгилари билан алоҳида ҳужайралар;

V тури - саратон ҳужайраларининг кўплиги, одатда хавфли ўсимта ташхиси шубҳасиздир.

-тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган Microsoft Office Excel дастурий пакети ёрдамида ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %)ни ҳисоблаш билан параметрик ва непараметрик вариацион статистика усулларида фойдаланилди. Ўртача қийматларни қийсلاш натижасида олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти хато эҳтимоли (P)ни ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ҳисоблаган ҳолда Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. Ишончлилиқ даражаси $P < 0,05$ га тенг кўрсаткичлар статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациясининг учинчи **"Ўз тадқиқотлари"** боби тўрт кичик бобдан иборат. **"Аёллар жинсий аъзолар ўткир учли кондилomalари билан оғриган беморларнинг сўровнома натижалари"** номли биринчи кичик бобида 18 ёшдан 53 ёшгача бўлган жинсий аъзолар ўткир учли кондилomalари билан касалланган 120 аёлда аноним сўровнома ўтказилган. Жинсий аъзолар ЎУКлари асосан нормал жинсий ҳаёт кечирадиган ижтимоий мослашган аёлларда топилган.


Текширув бошланишидан олдин биз ЎУК пайдо бўлиши, ўсиши ва такрорланишига ҳисса қўиши мумкин бўлган мойиллик қилувчи омилларни аниқлаш учун махсус ишлаб чиқилган сўровномалар ёрдамида синов

ўтказдик. Респондентларни ўрганиш учун илмий ва амалий топшириқ учун тузилган анкеталар шакли ишлатилган. Таҳлил қилиш учун шкала-балл тизимига мувофиқ кодланган 36 та асосий кўрсаткичлар (белгилар) танланган.


Биз олинган натижаларимизга асосланиб, ЎУК ривожланишини кўзғатадиган таниқли омиллардан (чекиш, промискуитет - жинсий шерикларнинг тез-тез ўзгариши, зарарли одатлар, иммунитетнинг пасайиши) ташқари, биз жинсий аъзолар ЎУКнинг ўсишига ёрдам берадиган қуйидаги тўғридан-тўғри ва билвосита омилларни аниқладик, улар орасида: даволашга қатъий риоя қилмаслик, даволашнинг қониқарсиз самарадорлиги; умумий ва маҳаллий иммунитетни бостиришга мойил омиллар: ижтимоий ва маиший характердаги ҳиссий стресслар; антибиотиклар ва гормонал дориларни (глюкокортикостероидлар, оғиз орқали контрацептивлар, прогестогенлар) қабул қилиш, олдин ўтказилган ва бирга келадиган ЖЙОЮИ (ОУВ, ЦМВ, уреоплазмоз, хламидия, кандидоз); анемия, ҳомиладорликдир. Касалликнинг асосий триггерларига таъсир кўрсатиш ЎУКнинг клиник кўринишлари ва асоратларининг оғирлигини сезиларли даражада камайтиради деган хулоса шакллантирилган.

"ЎУК билан умумий гуруҳнинг текширилган беморларининг клиник хусусиятлари" кичик бобида 18 ёшдан 53 ёшгача ЎУК билан оғриган 87 бемор текшируви келтирилган. ЎУК билан аёлларнинг энг кўп ёш гуруҳи 15дан 25 ёшгача ташкил этган бўлиб – 49 (56,3%), 26 дан 40 ёшгача – 32 (36,8%), 41 дан 53 ёшгача – 6 (6,9%) бўлган (1-расм).

Касалликнинг давомийлиги текширилган беморларда 2 ойдан кам - 51 (42,5 %), 2 ойдан ортиқ - 49 (40,8%), 1 йилдан ортиқ - 20 (16,7%) аёлларда кузатилган (2-расм).



1-расм. Беморларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимлаш



2-расм. Беморларни касалликнинг давомийлиги қараб тақсимлаш

Беморлар клиник кўринишларнинг оғирлигига ва УГТнинг бирга келадиган микрофлораси мавжудлигига қараб 2 гуруҳга бўлинган. Касалликнинг давомийлиги, ендош микрофлора ва олдинги ўтказилган терапияга қараб, ЎУК клиник кўринишларининг асосий хусусиятлари (локализацияси, ҳажми, зарланиш майдони) тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

ЎУК билан оғриган беморларда даволанишдан олдин кузатув гуруҳлари бўйича симптомлар ва клиник кўринишлар

Симптомлар ва клиник белгилар	1 гуруҳ n=40		2 гуруҳ n=47		Умумий гуруҳ n=87	
	абс	М±m (%)	абс	М±m (%)	абс	М±m %
Қичишиш ва ачишиш ҳисси	27	67,5±7,4	40	85,1±5,2*	67	77,0±4,5
Интенсив ўсиш	20	50,0±7,9	42	89,4±4,5**	62	71,3±4,9
Йирик майдон (5 см ² дан ортиқ)	20	50,0±7,9	32	68,1±6,8**	52	59,8±5,3
Жинсий йуллардан кўп оқма	23	57,5±7,8	45	95,7±2,9**	68	78,2±4,4
Бачадон бўйнида жойлашуви	7	17,5±6,0	22	46,8±7,3**	29	33,3±5,1
Оқма оқиб чиққиш йули бўйлаб тошмалар жойлашуви	27	67,5±7,4	42	89,4±6,6*	69	79,3±4,3
Қоннаш	5	12,5±5,2	13	27,7±6,5**	18	20,7±4,3
ОПВ бошқа ўчоқлари	6	15,0±5,6	11	23,4±6,2	17	19,5±4,3
ЎУК йиринглаши	3	7,5±4,2	6	12,8±4,9*	9	10,3±3,3
ЎУК рецидиви	19	47,5±7,9	33	70,2±6,7**	52	59,8±5,3

Эслатма: «*» тадқиқот гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги ($p < 0,005$).

«**» тадқиқот гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги ($p < 0,001$).

Клиник анамнез йиғишда 67 ($77,0 \pm 4,5\%$) беморлар қичишиш ва ёниш ҳисси, оғриқ шаклидаги субъектив безовталиқни ифодаланган. ЎУКнинг интенсив ўсиши 62 ($71,3 \pm 4,9\%$)да қайд этилган. ЎУК майдони 5 см^2 дан ортик - 52 ($59,8 \pm 5,3\%$)да, сут - оқ рангли, творогсимон ёки йирингга ўхшаш характердаги жинсий аъзолардан кўп ажралма - 68 ($78,2 \pm 4,4\%$)да, ЎУКнинг бачадон бўйнида жойлашиши - 29 ($33,3 \pm 5,1\%$)да, ЎУКнинг жинсий аъзолардаги ажралма бўйлаб жойлашиши - 69 ($79,3 \pm 4,3\%$)да, кондиломлардан қон кетиши - 18 ($20,7 \pm 4,3\%$)да қайд этилган. ПВИнинг генитал кўринишларидан ташқари, 17 ($19,5 \pm 4,3\%$) бемор аёлларда, шунингдек, турли хил локализациядаги сўғаллар, папилломалар, кератомалар, хавфсиз невуслар шаклида ОПВ тери ўчоқлари бўлган. Кондиломаларнинг йиринглаши 11 ($10,3 \pm 3,3\%$) аёлларда, ЎУКнинг қайталаниши 52 ($59,8 \pm 5,3\%$) аёлларда қайд этилган. Шу билан бирга, 1 ва 2 кузатув гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлар бир қатор аломатлар бўйича статистик ишончлилиги жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилди. 2-гуруҳ кузатганимизда аралаш инфекцияли беморларда ЎУК белгилари ва асоратларининг сезиларли оғирлиги тўғрисида хулоса чиқарилган (1-жадвал).

"ЎУК билан оғриган беморларда колпоскопик ўзгаришлар" деб номланган кичик бобида тематик гуруҳнинг барча беморларида ўтказилган бачадон бўйни суртмасининг цитологияси ва ЎУК билан оғриган барча беморларнинг кенгайтирилган колпоскопияси ҳақида маълумотлар келтирилган. Дифференциал ташхис учун сирка кислотаси билан синов ўтказилган: ижобий вазоконстриктив таъсир жараёнининг хавфсизлигини кўрсатган (2-жадвал).

2-жадвалдан кўриниб турибдики, колпоскопик текширув пайтида ЎУК билан оғриган беморларда асосан қониқарли колпоскопик расм кузатилган, аммо улар орасида яллиғланиш ва набот кисталарининг катта фоизи бўлган. Шундай қилиб, ЎУК билан оғриган беморларда нормал колпоскопик кўриниш ҳолатларининг тахминан ярмида кузатилган деган хулосага келиш мумкин, аммо улар орасида ҳам яллиғланиш ва набот кисталарининг катта фоизи бўлган. Бошқа ҳолларда эса, беморларда нормадан оғиш ва атипик колпоскопия маълумотлари аниқланган. Шунингдек, аёлларнинг каттагина қисмида бачадон бўйни ва бачадон бўйни каналида яллиғланиш белгилари бўлган, бу ўз-ўзидан вируснинг эпителий ҳужайраларига тўсиқсиз кириб боришини таъминлайди. Беморларнинг 27,5 фоизида учраган бачадон бўйни ва қиннинг юқори $1/3$ қисмидаги герпетик тошмалар ҳам маҳаллий иммунитетнинг пасайишига олиб келади, ва ОПВнинг онкоген турлари мавжуд бўлганда ОПВнинг кириб бориши ва кўпайишини енгиллаштиргани учун бу жуда исталмаган ҳолатдир. Аёлларнинг УГТнинг колонизация қаршилигининг бузилиши ўз-ўзидан бачадон бўйни неоплазияси ривожланишининг кофактори эканлигини ҳисобга олсак, ЎУК билан оғриган беморлар ўткир учли кондиломалардан ташқари, ҳамроҳ ЖЙОЮИ ва бачадон бўйнида аллақачон бошланган атипик ўзгаришларга эга бўлиши махсус хавф гуруҳини ифодалайди. Шу муносабат билан, аёллар анамнезда ЎУК

эпизодлари учраши келгусида бачадон бўйни ҳолатини диққат билан кузатиш учун асос бўлиши керак (3-расм).

2-жадвал

ЎУК беморларда колпоскопик кўриниш маълумотлари

Колпоскопик белгилар	1 гуруҳ n=40	M±m (%)	2 гуруҳ n=47	M±m (%)	Умумий гуруҳ n=87	M±m (%)
Ясси эпителий	2	5,0±3,4	2	4,3±2,9	4	4,6±2,2
Эктопия	25	62,5±7,7	29	61,7±7,1	54	62,1±5,2
Ўтиш зонаси	5	12,5±5,2	7	14,9±5,2	12	13,8±3,7
Полиплар	2	5,0±3,4	4	8,5±4,1	6	6,9±2,7
Набот кисталар	9	22,5±6,6	14	29,8±6,7	23	26,4±4,7
Эрозиялар	6	15,0±5,6	11	23,4±6,2	17	19,5±4,3
Яллиғланиш	28	70,0±7,2	45	95,7±2,9	73	83,9±3,9
Атрофия	1	2,5±2,5	4	8,5±4,1	4	4,6±2,2
Герпетик тошмалар	0	0	18	38,3±7,1	18	20,7±4,3**
Кондилома, папилломалар	0	0	17	36,2±7,0	17	19,5±4,3**
Йоднегатив жойлар	10	25,0±6,8	14	29,8±6,7	24	27,6±4,8
Мозаика-пунктация	0	0	12	25,5±6,4	12	13,8±3,7*
Лейкоплакия	0	0	3	6,4±3,6	3	3,4±2,0*
Уксусли-оқ эпителий	11	27,5±7,1	19	40,4±7,2	30	34,5±5,1
Томирлар атипияси	0	0	3	6,4±3,6	3	3,4±2,0*
Экзофит	2	5,0±3,4	6	12,8±4,9	8	9,2±3,1
Ярали шикастланишлар	0	0	2	4,3±2,9	2	2,3±1,6

Эслатма: «*» тадқиқот гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги ($p<0,005$).

«**» тадқиқот гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги ($p<0,001$).



3-расм. Бачадон буйнида ЎУК жойлаши

ЎУК бўлган аёлларда цитологик хусусиятлар Папаниколау таснифига мувофиқ амалга оширилди (3-жадвал).

3-жадвал

ЎУК билан оғриган беморларда даволашдан олдинги цитологик суртма (ПАП - суртма) турлари

Цитологик суртма турлари	1- гуруҳ n=40		2- гуруҳ n=47		Умумий гуруҳ n=87	
РАР суртманинг 1-тури	2	5,0±0,54%	3	6,4±0,52%	5	5,7±0,22%
РАР суртманинг 2-тури	27	67,5±1,17%	23	48,9±1,06%	50	57,5±0,41%
РАР суртманинг 3-тури	11	27,5±1,12%	19	40,4±1,04%*	30	34,5±0,39%
РАР суртманинг 4-тури			2	4,3±0,43%*	2	2,3±0,11%
РАР суртманинг 5-тури	-		-		-	

Эслатма: «*» тадқиқот гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги ($p < 0,005$).

Шундай қилиб, ЎУК билан оғриган беморларда 2 (57,5±0,41%) ва 3 (34,5±0,39%) турдаги цитологик суртмаларнинг юқори фоизи қайд этилди, бу бачадон бўйни шиллиқ қаватининг яллиғланиш жараёнига алоқадорлигини кўрсатади ва бу ЎУК билан оғриган беморларнинг контингентини келгусида керкали терапия ва мониторинг ўтказилмаган тақдирда мумкин бўлган диспластик жараёнларнинг ривожланишига потенциал заиф қилади.

"Урогенитал тракт патогенларининг микробиологик хусусиятлари ва ПЗР ташхисоти" ва **"Жинсий аъзолар ўткир учли кондиломалари билан оғриган беморларда герпесвирусли инфекциялари фони"** кичик бобларда УГТнинг асосий патогенлари ташхисотини ўз ичига олган комплекс микробиологик, ПЗР ва ИФА-текширувини акс эттирувчи маълумотлар таъкидланган (4-жадвал).

Ҳамроҳ микрофлорани УГТ бактериоскопик ва бактериологик усул билан ўрганишда кўпинча *Candida* турдаги замбуруғлар, *Gardnerella vaginalis*, *St. Haemolyticus*, *St. Saprophyticus* топилган (5-жадвал).

Олинган натижаларга биноан, ЎУК билан оғриган беморларда ёндош ЖЙОЮЙларни, яни асосан *Ureaplasma urealyticum* 35 (40,2%), ОУВ-I тури 31 (35,6%), ОУВ-II тури 25 (28,7%), ЦМВ 29 (33,3%), НРВ 16/18 (25,3%), шунингдек бошқа *Candida* туркумига мансуб замбуруғлар 38 (43,7%), *Gardnerella vaginalis* 36 (41,4%), *Staphylococcus aureus* 18 (20,7%) ни, янги авлод ЖЙОЮЙларга алмашиши кузатилган. Шунга асосланган ҳолда ёндош вирус-бактериал микрофлоранинг макроорганизмнинг умумий ва маҳаллий иммунитетига таъсири, ҳамда улар чақирган яллиғланиш ОПВ, шунингдек, унинг онкоген штамларини юқиш қобилятига, ЎУК ривожланиши ва қайталанишига таъсири борлиги ҳақида хулоса чиқарилди.

4-жадвал

ЎУК беморларда жинсий йўл орқали юқадиган бактериал ва вирусли инфекциялар учраш частотаси

